

Урганч тумани

«Урганч нефт базаси» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари **Маткаримов Санжар Ахмедович** бундан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи бир томондан ва «Promsnabservis» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари **Исмаилов Шерзод Илхамович** бундан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилувчи иккинчи томондан мазкур шартномани туздилар.

1. Шартнома мазмуни

- 1.1 «Бажарувчи» мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи»нинг буюртмаси бўйича: “Урганч нефт базаси МЧЖ РВС-2000 м³ - 1 дона - 2.200.000, РВС-1000 м³ - 7 дона - 2.000.000, РВС-750 м³ - 1 дона - 1.800.000, РВС-300 м³ - 2 дона - 1.400.000, РВС-100 м³ - 6 дона - 800.000, РГС-50 м³ - 3 дона - 400.000, РГС-25 м³ - 4 дона - 300.000, РГС-5 м³ - 1 дона - 300.000, Шовот филиали омборидаги жами қувур ўтказгичлар - 3024 метр. Хонқа сизим №8 РВС-1000 м³ тағ қисмини (дннша) қисман, филиал омборидаги қувур ўтказгичлар жами - 1452 метр қувурлар билан сизимларни дефектоскопия кўригидан ўтказиш” ишларини бажариш мажбуриятини олади.
- 1.2 «Буюртмачи» эса, «Бажарувчи»га шартномага мувофиқ дефектоскопия кўригидан ўтказиладиган сизимларни лозим бўлган ишлар ҳужжатларини тақдим этади ва бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

- 2.1 Ишларнинг умумий шартнома қиймати - **39.600.000.00 (Ўттиз тўққиз миллион олти юз минг)** сўмни ташкил этади.
- 2.2 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзоланганидан кейин **5 (беш)** банк куни ичида Буюртмачи умумий кўрсатилган қийматнинг 15% (ўн беш) миқдорида **5.940.000.00 (Беш миллион тўққиз юз қирк минг)** сўмлик бўнақ тўловини тўлайди.
- 2.3 Мазкур шартнома бўйича кейинги ҳисоб-китоблар Буюртмачи томонидан бажарилган ишлар миқдори бўйича Бажарувчи ташкилот томонидан ишларни (хизматларни) топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактура тақдим этилинган кундан эътиборан **5 (беш)** банк куни ичида қолган **33.660.000.00 (Ўттиз уч миллион олти юз олти миш минг)** сўм миқдордаги тўловни амалга оширилади.
- 2.4 Буюртмачининг ҳисоб-варағидан пул маблағлари ечилиб, Бажарувчи ташкилотининг ҳисоб варағига тушиши билан Буюртмачининг тўлаш мажбурияти бажарилган ҳисобланади.

3. Томонларнинг мажбуриятлари

- 3.1 Бажарувчи ташкилоти қуйидагиларни ўз зиммасига олади:
- Буюртмачи томонидан бўнақ тўлови амалга оширилгани ва зарур ҳужжатлар тўплами олинганлик холи тасдиқланган пайдан бошлаб шартноманинг 1.2 бандидаги ишлар бошлаш;
 - амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ саноат хавфсизлиги, шунингдек саноат хавфсизлиги экспертизасини ўтказиш тартиби ва муддатларига риоя қилиш;
 - фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда олиб борилаётган тадқиқотларнинг мустақиллиги, холислиги, комплекслиги ва тўлиқлиги тамойиллари асосида иш ҳажмига путур етказмайдиган синов усулларидан фойдаланган ҳолда “Урганч нефт базаси” МЧЖ даги қурилмаларнинг техник диагностикаси иши ўтказиш;
 - Буюртмачидан олинган маълумотларнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаш;
 - Шартномага қўшимча битим расмийлаштириш ва Буюртмачига тақдим этиш;
 - бажарилган ишлар натижаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш ва топшириш.
- 3.2 Буюртмачи қуйидагиларни ўз зиммасига олади:
- ушбу шартноманинг 2.1-2.3 бандларида белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш;
 - техник қурилмаларни техник диагностика қилиш бўйича ишларни бажариш дастурини келишиш;
 - техник диагностика билан шуғулланувчи мутахассисларга саноат хавфсизлиги ўтказилаётган техник қурилмалардан хавфсиз кириш ва баҳолаш имкониятини таъминлаш. Шу билан бирга, техник диагностика учун техник қурилмаларни тайёрлаш, ер ости техник қурилмаларига киришни таъминлаш учун тупроқ ишлари, шунингдек, техник қурилмаларнинг изоляциясини ечиш ва тиклаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади;
 - техник диагностика билан шуғулланувчи мутахассисларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
 - камчиликлар аниқланганда ва бажарувчи ташкилоти томонидан “Номувофиқликлар ва камчиликлар баённомаси” тузилган тақдирда, 3 иш куни ичида номувофиқликлар ва камчиликларни бартараф этиш муддатларини келишиш;

4. Ишларни бажариш муддати

- 4.1 Бажарувчи ташкилот ушбу шартномада назарда тутилган ишларни бажариш мақсадида назарда тутилган зарур ҳужжатлар тўпламини олган пайдан ва 2.2-бандида кўрсатилган бўнак тўлови ўтказилгандан сўнг бажаришга киришади.
- 4.2 Бўнак тўлови ўз вақтида тўланмаган тақдирда, ишнинг бошланиш ва тугаш саналари тегишли равишда кўчирилади, лекин 30 календар кундан ошмаслиги керак, ушбу муддат ўтганда Бажарувчи ташкилоти буюртмачига ёзма равишда хабар бериш орқали ушбу шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

5. Тугалланган ишларни топшириш ва ва қабул қилиш тартиби

- 5.1 Ушбу шартномада назарда тутилган ишлар тугагандан сўнг Буюртмачига топширилиши керак бўлган ишлар натижалари Бажарувчи ташкилот томонидан имзоланган Топшириш-қабул қилиш Далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматини тасдиқловчи Ҳисоб-фактура расмийлаштириши билан Буюртмачига топширилади.
- 5.2 Хизмат кўрсатилган ишлар тугагандан сўнг, бажарувчи ташкилот Топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва Буюртмачига бажарилган иш натижаларининг нусхаларини ҳисоб-фактурани топширади. Иш натижаларининг асл нусхалари Буюртмачига тўлиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ва Буюртмачи томонидан имзоланган бажарувчи Ташкилотининг қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактурани тасдиқлаганидан сўнг тақдим этилади.
- 5.3 Шартноманинг 6.2-бандининг шартлари бажарилмаган ёки вақтида бажарилмаган тақдирда, бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан улар (ишлар) расмийлаштирилган санадан қабул қилинган ҳисобланади.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

- 6.1 Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун бажарувчи ташкилоти ва Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.
- 6.2 Бажарувчи ташкилот томонидан ишларни бажариш муддатларини бузганлик учун Буюртмачи ундан ўз вақтида бажарилмаган иш қийматининг 0,5 % (нолдан беш) фоиз миқдорида товон (пеня) ундиришга ҳақли бўлади. Шу билан бирга товон (пеня) нинг умумий миқдори ўз вақтида бажарилмаган иш қийматининг 30 (ўттиз) фоизидан ошмаслиги керак.
- 6.3 Буюртмачи томонидан тўлов шартларини бузганлиги учун Бажарувчи ташкилоти ундан кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 0,5 % (нолдан беш) фоиз миқдорида товон (пеня) ундиришга ҳақли бўлади. Шу билан бирга товон (пеня) нинг умумий миқдори муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 30 (ўттиз) фоизидан ошмаслиги керак.
- 6.4 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузган Томон бошқа Томонга тегишли талабни тақдим этган кундан бошлаб 10 кун ичида жарима (пеня/товон пуллари) ни тўлайди.
- 6.5 Жарима (пеня/товон пуллари) ни тўланиши Томонларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 6.6 Шартномага мувофиқ дефектоскопия кўригидан ўтказиш билан боғлиқ хизматларга бериладиган кафолат муддати 12 ойни ташкил этади.
- 6.7 Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

7. Форс-мажор ҳолатлари

- 7.1 Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар, агар булар форс-мажор ҳолатлари натижасида юзага келган бўлса, яъни: ёнғин, тошқин, zilзила ёки бошқа табиий офатлар, уруш, ҳукумат қарорлари, агар ушбу ҳолатлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилишига бевосита салбий таъсир кўрсатган бўлса.
- 7.2 Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тўғрисида Хабарни Томонлар бир-бирларига, бундай вазиятлар юзага келган санасидан 3 кундан кечиктирмай беришлари шарт.
- 7.3 Форс-мажор ҳолатлари юзага келишининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикасининг ваколатли ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак. Шу билан бирга, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолатлари учун кечиктирилади.
- 7.4 Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ давом этса, Буюртмачи ва Эксперт ташкилоти ишларни давом эттириш ёки уларни сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини муҳокама қиладилар.
- 7.5 Агар Томонлар икки ой ичида келишувга кела олмасалар, унда уларнинг ҳар бири ушбу Шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

8. Низоларни ҳал қилиш

- 8.1 Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида барча низолар, Томонларнинг ўзаро даъволари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқилади. Томонлар низони ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар. Мақбул ечим топилинмаган тақдирда, низолар кўриб чиқиш учун Жавобгар манзилидаги туманлараро иқтисодий судига юборилади.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу Шартнома ҳар икки Томон имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва Томонлар ўзларининг барча шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармагунларича амал қилади.

10. Махфийлик

10.1 Махфийлик деганда ушбу шартномани бажариш жараёнида олинган ҳар қандай маълумот тушунилади. Томонлар махфий маълумотларни ушбу шартномани бажариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳар қандай учинчи шахслар, шу жумладан ўзларининг шахсий ходимлари томонидан унинг йўқолиши ёки ишлатилиши эҳтимолини истисно қиладиган тарзда сақлаш ва фойдаланишни ўз зиммаларига оладилар. Шу билан бирга, эксперт ташкилоти буюртмачининг махфий маълумотларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тақдим этиши мумкин.

11. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

11.1 Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

11.2 Ушбу Шартнома икки асл нусхада ўзбек тилида тузилган бўлиб, ҳар бир томон бир хил қонуний кучга эга бўлган нусхага эгалик қилади.

11.3 Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Томонлардан бирининг ташаббуси билан ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳолларда ва тартибда бекор қилиниши мумкин.

11.4 Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда тузилган ва Томонлар томонидан имзоланган бўлса, амал қилади.

12. Шартномани кучга кириши ва амал қилиш муддати

12.1 Мазкур шартнома тарафлар ўзи имзолаган пайтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли қарорига мувофиқ шартнома Ҳазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган кундан кучга киради.

12.2 Шартномани амал қилиш муддати томонларни ўзаро тўловларни ҳисоб-китобини амалга оширгунигача қадар давом этади.

12.3 Шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

12.4 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлгани ҳолда 2 (икки) нусхада тузилади.

12.5 Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб, кучга киради ва амал қилиш муддати «31» декабргача 2022 йилгача.

13. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Буюртмачи»

«Бажарувчи»

«Урганч нефт базаси» МЧЖ

ЧП «Промснабсервис»

Манзил: Урганч т. Паррандачилик Посёлкаси

Манзил: Урганч ш. Бинокор кўча 7-пр 16-уй

Х/р: 22 604 000 704 268 518 701

Х/р: 20 208 000 200 917 654 001

Банк: «Узсаноатқурилишбанк» Яшнабод филиал

Банк: АКБ «Қишлоққурилишбанк» Хоразм фил.

МФО: 00432, ИНН: 204589421, ОКЕД: 46710

МФО: 00553, ИНН: 305744289, ОКЕД: 46130



С.Маткаримов



Ш.И.Исмаилов